

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

УРУҒЛИК ҒЎЗА МАЙДОНЛАРИНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ МАҚБУЛ ИНТЕРВАЛЛАРИ

Авлиякулов Мирзоолим Авазович
қ.х.ф.д., катта илмий ходим

Дурдиев Нормат Ҳасанович
қ.х.ф.д., катта илмий ходим

Хожиматов Махсутали Мўйдинович
илмий ходим Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Аннотация:

Ушбу мақолада томчилатиб суғориладиган уруғлик ғўза майдонларида мақбул суғориш интерваллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Аннотация: В данной статье приведены материалы об оптимальных интервалах полива на семенных хлопковых полях с капельным орошением.

Abstract: This article provides information on optimal irrigation intervals for cotton plant for seed production under drip irrigation.

Калит сўзлар: ғўза, сув менежменти, суғориш технологиялари, томчилатиб суғориш, эгатлаб суғориш.

Кириш. Дунёда ғўза етиштириш жараёнида сув энг катта чекловчи омил саналади. Ғўза нисбатан қурғоқчиликка чидамли экин бўлсада, пахтачилик соҳаси ривожланган илғор мамлакатларда фермерлар сувдан оптимал фойдаланишни таъминловчи сув менежменти амалиётини қабул қилган ва айнан бир хил сув миқдори билан сувни самарасиз сарфловчи фермерларга нисбатан кўпроқ пахта хом-ашёси етиштириб келмоқда.

Сув танқислигини юмшатиш мақсадида кейинги йилларда тежамкор суғориш технологиялари жумладан, томчилатиб суғориш бўйича Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан кетма-кет қарорлар имзоланди (ПҚ-4087, 4499, 4919, 144-сонли). Бунинг натижасида сув тежовчи



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

технологияларни жорий этиш жадал амалга оширилмоқда ва 2030 йилгача 50% суғориладиган ерларга сув тежамкор технологиялар жорий этилиши белгиланган. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли сувни тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди [2].

2021 йилда ғўза уруғчилиги билан шуғулланадиган 3839 та субъектлар томонидан 22 минг гектар уруғлик ғўза майдонларида томчилатиб суғориш қўлланилди. Аммо муаммонинг ҳукумат даражасидаги муҳимлиги ҳам шундаки, 22 минг гектар томчилатиб суғориладиган уруғлик ғўза майдонлари учун илмий асосланган тавсиялар йўқлиги ушбу соҳада кенгрок илмий тадқиқот олиб боришни тақозо қилмоқда [3].

Юқоридаги долзарб муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг Марказий минтақаси Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида томчилатиб суғориладиган уруғлик ғўза майдонларида мақбул суғориш интервалларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотларимиз 2022 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманидаги ПСУЕАИТИнинг Фарғона ИТС тажриба далаларида ПЛ-21091358-рақамли «Томчилатиб суғориш технологиясида турли суғориш интерваллари ва кўчат қалинлигида уруғлик ғўза агротехникасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги ташаббускор амалий лойиҳа доирасида олиб борилди. Тажриба тизими 15 та вариантдан иборат бўлиб, 3 тадан такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Қатор ораси 60 см бўлиб, томизгич шланглар қатор оралатиб қўйилди. Эгат узунлиги 50 м, ҳар бир вариант 8 қатордан иборат, 3 та қайтариқда олиб борилди. Битта делянканинг умумий майдони 240 м² ни, ҳисобий майдони 120 м² ни ташкил этди. Томчилатиб суғориш учун оқар дарё суви ҳовузда тиндириб фойдаланилди. Тадқиқотлар эгатлаб (назорат) ва томчилатиб суғориш технологияларида, 4 хил суғориш интерваллари (3; 6; 9 ва фазалар бўйича 3-6-9 кундан) ва 3 хил кўчат қалинлигида (70; 110 ва 150 минг туп/га) ЎзПИТИнинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) бўйича олиб борилди [1].

Томчилатиб суғориш технологиясида намлаш қатлами барча вариантларда 50 см, эгатлаб суғоришда эса 70-100-70 см ҳисобий қатламлар олинди ва ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилди.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Тажриба тизими

Вариант т/р	Суғориш технологиялари	Суғориш интерваллари	Кўчат қалинлиги (минг туп/га)
1	Томчилатиб суғориш	3-кун (юқори частотали суғориш)	70
2			110
3			150
4		6-кун (ўрта частотали суғориш)	70
5			110
6			150
7		9-кун (паст частотали суғориш)	70
8			110
9			150
10		6-кун гуллашгача, 3-кун гуллаш-ҳосил тўплашда, 9-кун пишиш даврида	70
11			110
12			150
13	Эгатлаб суғориш (назорат)	Назорат	70
14			110
15			150

Эгатлаб суғориш технологиясида 1-2-1 тизимда жами 4 маротаба суғорилиб, суғориш интерваллари 18-27 кунни, суғориш давомийлиги 11,5-18 соатни, бир марталик суғориш меъёри 843-1194 м³/га ни ташкил этди. Томчилатиб суғориш технологиясида барча интервалларда биринчи суғориш 17 июн куни амалга оширилиб, кейинги суғоришлар вариантлар бўйича ҳар 3-кундан (юқори частотали суғориш интервалида), 6-кундан (ўрта частотали суғориш интервалида), 9-кундан (паст частотали суғориш интервалида) ҳамда 6-кундан гуллашгача фазада, 3-кундан гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида, 9-кундан пишиш фазасида аралаш интервалда суғоришлар олиб борилди. Ҳар 3-кундан (юқори частотали суғориш интервалида) суғорилган вариантларда меъёридан ортиқ суғориш натижасида ғўза бўйлари ғовлаш ҳолатлари кузатилди [4].

Ҳар 9-кундан (паст частотали суғориш интервалида) ҳамда 6-кундан гуллашгача фазада, 3-кундан гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида, 9-кундан пишиш фазасида аралаш интервалда суғорилган вариантларда эса аксинча ғўза илдизи атрофида сув танқислиги кузатилиб, ўсиб-ривожланиш суст бўлганлиги аниқланди. Томчилатиб суғориш технологиясида энг мақбул суғориш интервали бу ҳар 6-кундан (ўрта частотали суғориш интервалида) суғорилганга кузатилиб, бунда ғўзанинг мақбул ўсиб-ривожланиши ва

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

берилган сув ва тупроқ намлигидан самарали фойдаланишга шароит яратилганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз давом этмоқда, олинган натижаларни кейинги мақолаларимизда берамиз, аммо дастлабки хулосаларга таяниб шуни айтиш мумкинки, томчилатиб суғориладиган уруғлик ғўза майдонларида суғоришларни барча фазаларда ҳар 6-кундан (ўрта частотали суғориш интервалида) амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда ғўза қўлланилган сув ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиб, ўсимликнинг мақбул ўсиб-ривожланиши, юқори ҳосил тўплаши ва пировардида сифатли уруғлик чигитлар етиштиришга эришиш мумкин.

Адабиётлар

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.. -Тошкент 2007. -Б. 1-46.
2. <https://lex.uz/uz/docs/5884584>
3. <https://lex.uz/uz/docs/5869164>
4. https://uza.uz/uz/posts/tomchilatib-sugorish-samara-va-istiqbol_319161

